

2-1-2019

ECONOMETRIC ANALYSIS OF INVESTMENT PROCEDURES IN AGRICULTURE

D. Khusanov

Tashkent University of Information Technologies named after Muhammad al-Khwarizmi

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance>

Recommended Citation

Khusanov, D. (2019) "ECONOMETRIC ANALYSIS OF INVESTMENT PROCEDURES IN AGRICULTURE," *International Finance and Accounting*: Vol. 2019 : Iss. 1 , Article 15.

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/interfinance/vol2019/iss1/15>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in International Finance and Accounting by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact brownman91@mail.ru.

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҒИДА ИНВЕСТИЦИОН ЖАРАЁНЛАРНИНГ ЭКОНОМЕТРИК ТАҲЛИЛИ

Д.Н.Хусанов

*Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент Ахборот Технологиялар Университети,
Тошкент, Ўзбекистон*

Мақолада аграр тармокни барқарор ривожланишини таъминлаш, инвестицион жараёнларнинг эконометрик таҳлиллари кўрсатилган.

Калит сўзлар: инвестиция, актив, реал инвестиция, молиявий инвестиция, қишлоқхўжалиги, инвестицион фаоллик.

В статье рассматривается устойчивое развитие аграрного сектора, эконометрический анализ инвестиционных процессов.

Ключевые слова: инвестиции, активы, реальные инвестиции, финансовые инвестиции, сельское хозяйство, эффективность инвестиций.

Кириш

Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг энг муҳим вазифаларидан бири иқтисодий ўсишни жонлантириш ва аҳолининг турмуш даражасини ошириш учун қулай шароитларни яратиш ҳисобланади. Мазкур вазифани амалга ошириш ва таъминлашнинг зарур шарти республика ҳудудларининг инвестицион салоҳиятини ошириш ва ушбу жарёни муваффақиятли олиб боришга ҳудудларнинг географик жойлашуви, табиий ресурсларнинг мавжудлиги, унинг захираси, меҳнат ресурсларнинг сони, ёши ва малакаси, шунингдек, ҳудудда бир неча йиллардан бери сақланиб келинаётган ихтисослашув даражаси, инфратузилмаларнинг ҳолати каби бир қанча омилларни инобатга олиш асосий шартлардан ҳисобланади.

Аграр соҳанинг барқарор ривожланишига эришиш учун хўжаликларнинг инвестицион салоҳиятини шакллантириш, уларни қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш талаб этилади.

Қишлоқ хўжалиги экинлари ва чорвачилик бўйича янги тармоқларни ривожлантириш зарур. Бугунги кунда фермер хўжаликларининг йиллик чорва озукасига бўлган эҳтиёжининг фақат 35 фоизи маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қопланмоқда. Шу сабабли янги ерларни ўзлаштириш орқали экин майдонларини кенгайтириш эвазига чорванинг озука базасини мустаҳкамлаш, шунингдек, балиқчилик, паррандачиликни ривожлантириш ҳисобидан озиқ-овқат маҳсулотлари ҳажмини кескин кўпайтириш керак. Яна бир муҳим вазифа – сувни тежайдиган суғориш технологияларини кенг қўллашдан иборат [1].

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиётини ривожлантириш учун 2017 йилда барча мулкчилик шаклларидаги корхона ва ташкилотларда 60719,2 млрд. сўм ёки 2016 йилга нисбатан 107,1 фоиз асосий капиталга инвестициялардан фойдаланилди. «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси»[2] да инвестициявий муҳитни яхшилаш орқали мамлакатимиз

иқтисодий тармоқлари ва ҳудудларига хорижий сармояларни фаол жалб этиш, жалб қилинган хорижий инвестициялар ва кредитлардан самарали фойдаланиш каби вазифалар белгилаб берилди. Ушбу вазифалар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатдан янгилаш, ишлаб чиқариш ҳамда ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширишга қаратилган актив инвестиция сиёсатини олиб бориш, иқтисодий тармоқлараро инвестициялар йўналишини ва тақсимланишини эконометрик моделлаштириш услубиётини такомиллаштириш, инвестиция самарадорлиги, хатарлилик ва таваккалчилик даражаларини аниқлаш моделларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қишлоқ хўжалигини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва молиялаштиришнинг самарадорлигини ошириш масалаларининг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Л.Цфу, Ц.Фан, Л.Чжоулар ўз изланишларида қишлоқ хўжалигининг иқтисодий ривожлантириш стратегияси бўйича олиб борилаётган ислохотларни Хитой тажрибаси асосида тадқиқ этишган.[3] И.Н.Буздалов Россия давлатида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш ислохотлари тўғрисида.[4] И.Санду қишлоқ хўжалигини фан, таълим ва ишлаб чиқариш интеграцияси асосида ривожлантиришнинг ўзига хос усуллари ва унинг самарадорлиги тўғрисида.[5] И.Г.Ушачев қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда илмий тадқиқотларнинг аҳамияти ва уларни давлат дастурига киритиш бўйича тадқиқотлар олиб боришган.[6]

Қишлоқ хўжалигидаги инвестициялар тўғрисида С. Р. Умаров шундай таъриф беради: “Инвестиция - бу келажакда фойда ёки ижтимоий самара олиш учун инвестор томонидан қишлоқ хўжалиги тармоқларини ривожлантириш мақсадида маълум бир муддатга сарфланган барча турдаги моддий - техник ва интеллектуал бойликлардир”.[7]

Ш.И. Мустафақуловнинг ишларида минтақалардаги табиий ресурслар захираси, инвесторлар учун яратилган имтиёзлар, инфратузилма ҳолати, ҳудудларнинг инвестицион рейтинги хорижий инвестициялар оқими ҳамда ички инвестицияларнинг фаоллашувига таъсир кўрсатиши, бунда асосий капиталга йўналтирилган инвестициялар ҳажми инвестицион салоҳият ва иқтисодий салоҳият кўламнинг юзага келишини таъминланиши юзасидан таъриф ва тавсиялар келтирилган.[8]

Д.С.Алматова томонидан минтақаларда тадбиркорлик субъектларининг инвестицион-инновацион фаолиятини ривожлантириш билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ва уларни ҳал этиш йўллари асослаб бериш ва уларни самарали ривожлантириш масалалари тадқиқ этилган.[9]

М.Қ.Пардаевнинг илмий тадқиқот ишида иқтисодий ривожланишнинг инновацион йўлига ўтишда иқтисодийнинг аграр секторида тўпланиб қолган муаммоларни, балки ушбу тармоқ олдида турган асосий вазифаларни ҳам ҳал этиш зарурлиги билан боғлиқ эканлиги таъкидланган.[10]

Н.Хушматовнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни ривожлантиришнинг инновацион бошқаруви шу билан бирга ҳозирги вақтда иқтисодийнинг аграр секторини модернизация қилиш ва уни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтказиш вазифаларини ҳал этиш зарурлигини ҳисобга олган ҳолда мазкур тармоқдаги инновацион фаолиятни фаоллаштириш соҳасидаги кўплаб муаммо ва масалаларни ҳал этиш йўллари тўғрисида фикр билдирилган.[11]

Т.Х.Фармоновнинг илмий тадқиқот ишида аграр секторни ривожланишнинг инновацион йўлига ўтиш шароитида қишлоқ хўжалигини бошқариш самарали тизимини шакллантиришнинг бошқарувга нисбатан институционал ва синергетик ёндашувларни уйғунлаштирган, бошқарувнинг мураккаб объекти сифатида агроиқтисодийнинг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олувчи, бошқарувнинг асосий методологик тамойилларига асосланган, кўпроқ мослаштириш йўли билан бошқариш моделларини қўллашга йўналтирилган.[12]


Қ.А.Чориевнинг илмий тадқиқот ишида эса қишлоқ хўжалигини ривожлантириш, деҳқон ва фермер хўжаликлари фаолиятини режалаштириш аграр секторнинг ривожланишини инновацион бошқаруви самарадорлиги бўйича фикр билдирилган.[13]

Таҳлиллар ва натижалар

Иқтисодий эркинлаштириш ва ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлардан бири иқтисодийга инвестицияларни жалб қилиш билан боғлиқ. Инвестицияларни жалб этмай, айниқса, етакчи тармоқларда инвестиция иштирокини кенгайтirmай туриб, иқтисодий таркибий ўзгаришларни амалга ошириш ва модернизациялаш, корхоналарни замонавий техника билан қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин эмас. Мамлакатда ҳозирги пайтда хорижий инвесторлар учун қулай инвестиция муҳити яратилган. Бу қулайликлар улар учун яратилган турли давлат кафолатлари ва имтиёзларда ўз аксини топган.

Мамлакат иқтисодийни модернизациялаш шароитида фермер хўжаликларни ривожлантиришда ички инвестициялардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўналишлари ишлаб чиқиш учун ҳозирги вақтда инвестициялардан фойдаланиш масалалари ва унинг ҳолатини ўрганиш зарур. Ўтган даврда мамлакатда ички инвестициялардан фойдаланиш соҳасида катта ишлар амалга оширилди. Бу мақсадда мамлакатда инвестиция дастурлари тузилмоқда ва амалга оширилмоқда.

Инвестиция дастурлари узоқ муддатга мўлжалланган бўлиб, унда ҳар бир йил учун мўлжалланган чора-тадбирлар алоҳида ифодаланган. Лекин шунга қарамай киритилган инвестициялардан фойдаланиш даражаларини доимий таҳлиллар ўтказиш ва хулосалар қилиб бориш мақсадга мувофиқдир.



1-расм. Қишлоқ хўжалиги тармоғига киритилган инвестицияларнинг эконометрик таҳлил графиги [14].

Ўзбекистон Республикасининг қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида инвестициялардан фойдаланиш ҳолатларининг эконометрик таҳлилининг тадқиқот натижалари кўра ақс этган расмдаги маълумотларга асосан таъкидлаш лозимки, 2000 йилда (42.6 млрд. сўм) 19.6 млрд сўм, 2003 йилда (98.5 млрд. сўм) 40.8 млрд сўм ва 2010 йилда (531 млрд. сўм) 53.2 млрд сўмга қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳажмининг ўзгариши $R^2=0.9945$ бўйича аниқланган.

$$Y_{\text{қиш. инв}} = -0.4823x^2 + 21.309x^2 - 139.17x + 236.2 \quad (1)$$

Модель қийматидан камайган бўлиб, бу ўзгаришни қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш саноатини ривожлантириш ҳисобидан ялпи ички маҳсулот таркибида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлар улушини камайтиришга қаратилган вазифаларни изчиллик билан амалга оширилаётганлигидан деб қараш мақсадга мувофиқдир.

Албатта юқорида келтирилган (1) модел орқали аниқланган қийматда қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига киритилган ҳақиқатдаги инвестициялар ҳажми 2011 йилда (942.5 млрд. сўм) 144.7 млрд. сўм, 2012 йилда 1089.2 млрд. сўм) 108.9 млрд. сўм, 2013 йилда (1335.6 млрд. сўм) 246.7 млрд. сўм, 2014 йилда (1448.4 млрд. сўм) 348.1 млрд. сўм, 2015 йилда (1375.5 млрд. сўм) 343.2 млрд. сўм, 2016 йилда (1646.4 млрд. сўм) 671.3 млрд. сўм, 2017 йилда (2004.3 млрд. сўм) 884.4 млрд. сўмга ошганлиги аниқланди. Ушбу ҳолатлар бўйича маълум бир хулосага келиш учун, албатта, жараённи тўлиқ ўрганиш лозим. Шу маънода аграр соҳада яратилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти бўйича ҳам таҳлилни ўрганиш талаб этилади.



2-расм. Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмининг ўзгариш динамикаси. [14]

2-расмда кўрсатилган маълумотлар асосан аграр соҳада яратилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳақиқатдаги ҳажми адевактлиги $R^2=0.9978$ бўлган ҳолда

$$Y_{\text{қиш. мах}} = 6.4777x^3 + 26.825x^2 + 594.257x \quad (2)$$

Модель қийматида 2000 йилда (1387.2 млрд. сўм) 552.1 млрд. сўм, 2003 йилда (4083.3 млрд. сўм) 592.2 млрд. сўм, 2004 йилда (4615.8 млрд. сўм) 1248.1 млрд. сўм, 2005 йилда (5978.3 млрд. сўм) 465.6 млрд. сўм, 2010 йилда (16774.7 млрд. сўм) 1325.2 млрд. сўм, 2011 йилда (21422.3 млрд. сўм) 1644.7 млрд. сўм ва 2016 йилда (4786.1 млрд. сўм) 3140.2 млрд. сўмга қамайтирилганлиги аниқланди. Таъкидлаш лозимки, албатта (2)-моделда барча таъсир этувчи омиллар назарда тутилмаган ҳамда ҳозирги кун ҳолатидан келиб чиқиб аниқланган. Шундай бўлса-да фикримизча, режалаштириш жараёнида ҳисобланган қийматини назарда қолдирмаслик мақсадга мувофиқ.

Аммо, 2001 йилда (2104.8 млрд. сўм) 1026.2 млрд. сўм, 2002 йилда (3253.3 млрд. сўм) 462.6 млрд. сўм, 2007 йилда (9304.9 млрд. сўм) 1224.1 млрд. сўм, 2008 йилда (11310.7 млрд. сўм) 1049.3 млрд. сўм, 2013 йилда (34201.4 млрд. сўм) 1804.2 млрд. сўм ва 2017 йилда (69504.2 млрд. сўм) 446.8 млрд. сўмга аниқланган (2) модель қийматидан ҳақиқатда яратилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми ортганлиги аниқланди. Бу ўз навбатида аграр соҳада олиб борилган ислохотлар ва белгиланган вазифаларни ўз вақтида изчиллик билан амалга оширганликнинг самарали натижаси деб қараш мумкин.

Қишлоқ хўжалиги иқтисодиётига олиб борилаётган ислохотларни қандай амалга оширилаётганлиги ва унинг натижалари тўғрисидаги аниқроқ маълумотга эга бўлиш ва илмий жиҳатдан асосланган хулоса қилиш учун қуйида келтирилган тўрт ҳолат бўйича таҳлил ўтказилди.

1-жадвал маълумотларига кўра, 1-ҳолат бўйича 2002, 2006, 2007, 2008, 2013, 2014, 2015 ва 2017 йилларда ҳақиқатда қишлоқ хўжалигига киритилган инвестиция ҳажми, тадқиқот асосида аниқланган (1) модел қийматларига кўра, мос ҳолда йилда 13.2 млрд. сўм, 42.2 млрд. сўм, 53.0 млрд. сўм, 27.2 млрд. сўм,

246.7 млрд. сўм, 348.1 млрд. сўм, 343.2 млрд. сўм ва 884.4 млрд. сўм ортик инвестиция киритилганлиги аниқланган.

Жадвалда келтирилган 2002, 2006, 2007, 2008, 2013, 2014, 2015 ва 2017 йилларда ҳақиқатда киритилган инвестициялар ҳисобида қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқарилган ялпи маҳсулот ўзгаришини илмий жиҳатдан аниқланган (2)-моделли қийматидан ҳақиқатда ишлаб чиқилган қишлоқ маҳсулоти ҳажми мос равишда (3255.3 млрд. сўм) 462.6 млрд. сўм, (7538.8 млрд. сўм) 571.2 млрд. сўм, (9304.9 млрд. сўм) 1224.1 млрд. сўм, (11310.7 млрд. сўм) 1049.3 млрд. сўм, (34201.4 млрд. сўм) 1804.4 млрд. сўм, (36957.8 млрд. сўм) 441.8 млрд. сўм, (42280.4 млрд. сўм) 685.7 млрд. сўм ва (69504.2 млрд. сўм) 446.8 млрд. сўмга ортган.(1-жадвал).

1-жадвал

Эконометрик модел, натижалари билан ҳақиқатдаги ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ва унга киритилган инвестициялар ҳажмининг таққослама жадвали (млрд. сўм ҳисобида) [14]

	Йил	Ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти	Киритилган инвестиция	Модель бўйича ҳисобланган маҳсулот қиймати	Модель бўйича ҳисобланган инвестиция қиймати	Ҳақиқатдаги ва аниқланган маҳсулот қийматлари фарқи	Ҳақиқатдаги ва аниқланган умумий инвестициялар фарқи
1-ҳолат	2002	3255.3	102.2	2792.7	89.1	462.6	13.2
	2006	7538.8	164.4	6967.6	122.2	571.2	42.2
	2007	9304.9	200.9	8080.8	147.9	1224.1	53.0
	2008	11310.7	261.2	10261.4	234.0	1049.3	27.2
	2013	34201.4	1335.6	32397.0	1088.9	1804.4	246.7
	2014	36957.0	1448.0	36515.2	1099.9	441.8	348.1
	2015	42280.4	1375.5	41594.7	1032.3	685.7	343.2
2-ҳолат	2000	1387.2	42.6	1939.3	62.2	-552.1	-19.6
	2003	4083.3	98.5	4675.5	139.3	-592.2	-40.8
	2004	4615.8	113.6	5863.9	150.3	-1248.1	-36.7
	2010	16774.7	531.0	18099.9	584.2	-1325.2	-53.2
3-ҳолат	2005	5978.3	138.2	6443.9	134.2	-456.6	4.0
	2009	13628.6	385.9	13668.0	384.8	-39.4	1.1
	2011	21422.3	942.5	23067.0	797.8	-1644.7	144.7
	2012	27164.2	1089.2	27971.1	980.3	-806.9	108.9
	2016	47486.1	1646.4	50626.3	975.1	-3140.2	671.3

Бу, эса ўз навбатида тармоққа киритилган инвестициядан самарали фойдаланганлигини кўрсатади.

2-ҳолат бўйича таъкидлаш лозимки 2000 йилда (42.6 млрд. сўм) 19.6 млрд.сўм, 2003 йилда (98.5 млрд. сўм) 40.8 млрд.сўм, 2004 йилда (113.6 млрд. сўм) 36.7 млрд.сўм ва 2010 йилда (531 млрд. сўм) 53.2 млрд.сўмга аниқланган (1) модель қийматидан ҳақиқатда қишлоқ хўжалигига киритилган инвестиция ҳажми камайган бўлиб, бу, албатта,тармоқда ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришга ўз таъсирини кўрсатган. Натижада ҳақиқатда ишлаб чиқарилган ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти аниқланган (2)-модел қийматларидан 2000 йилга (1387.2 млрд. сўм) 552.1 млрд сўм, 2003 йилга (4083.3 млрд. сўм) 592.2 млрд сўм, 2004 йилга (4615.8 млрд. сўм) 36275 млрд сўм ва 2010 йилга (16774.7 млрд. сўм) 53.2 млрд сўм камайишига олиб келган.

3-ҳолат 2005 йилда (138.2 млрд. сўм) 4.0 млрд сўм, 2009 йилда (385.9 млрд. сўм) 1.1 млрд сўм, 2011 йилда (942.5 млрд. сўм) 144.7 млрд сўм, 2012 йилга (1089.2 млрд. сўм) 108.9 млрд сўм ва 2016 йилда (1646.4 млрд. сўм) 672.3 млрд сўм ҳақиқатда (1)-модель қийматидан кўп миқдорда инвестиция киритилган бўлса-да, натижа аксинча, 2005 йилда (5978.3 млрд. сўм) 465.6 млрд сўм, 2009 йилда (13628.6 млрд. сўм) 39.4 млрд сўм, 2011 йилда (21422.3 млрд. сўм) 1644.7 млрд сўм, 2012 йилда (27164.2 млрд. сўм) 806.9 млрд сўм ва 2016 йилда (47489.1 млрд. сўм) 3140.2 млрд сўм миқдорида кам ялпи қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарилган.

Юқоридаги маълумотлардан кўриниб турибдики, аграр соҳага йўналтирилаётган инвестициялар миқдори бу соҳани тубдан модернизациялаш учун етарли эмас. Бунинг учун эса тармоқнинг инвестиция салоҳиятини ривожлантириш, инвестицион муҳит жозибдорлигини ошириш, таваккалчилик хавф-хатарларини пасайтириш механизмини ўзида мужассамлаштирган аграр инвестиция сиёсати ишлаб чиқилмоғи лозим.

Хулоса ва таклифлар

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга қаратилган узоқ муддатли стратегик мақсадни амалга оширишнинг моҳияти мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб ва Ўзбекистоннинг жаҳон бозоридаги рақобатбардошлигини ошириш, мавқеини мустаҳкамлашга йўналтирилган таркибий ўзгаришлар ҳамда юксак технологияларга асосланган замонавий тармоқлар ва ишлаб чиқариш соҳаларини жадал ривожлантириш сиёсатини асосий устувор йўналиш сифатида давом эттиришни тақозо этади. Қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш ва эркинлаштириш шароитида фермер хўжаликларининг устувор ривожланишини таъминлаш орқали тармоқ барқарорлигига эришиш мумкин, яъни:

- бевосита қишлоқ хўжалигининг ер-сув ресурсларидан самарали фойдаланиш, моддий-техника базасини замонавий техникалар билан жиҳозлаш, юқори ҳосилдорли экинлар ва маҳсулдор чорва моллари етиштиришни кенг йўлга қўйиш орқали юқори сифатли маҳсулотлар етиштириш;

- қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтирувчи хорижий инвестицияларни жалб қилиш орқали.

Бунинг учун эса қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни жалб этиш ва инвестиция фаоллиги қуйидаги тамойиллар асосида амалга оширилиши мумкин:

- қишлоқ хўжалигига хорижий инвестицияларни кенг жалб этишни таъминлайдиган ҳуқуқий, ижтимоий-иқтисодий, ташкилий ва институционал шарт-шароитларни мунтазам такомиллаштириб бориш;

- қишлоқ хўжалиги субъектлари, жумладан, фермер ва деҳқон хўжаликларини ташқи иқтисодий фаолиятини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш, имтиёзлар бериш ва амалга ошириш механизмларини ривожлантириш;

- қишлоқ хўжалигига инвестиция киритувчиларга танловсиз, ҳокимнинг қарори билан ер ажратиш;

- хорижий инвесторларга нисбатан имтиёзли ва рағбатлантирувчи сиёсатни изчиллик билан олиб бориш;
- хорижий инвесторлар маблағларини қишлоқ хўжалигининг барқарор ривожланишини таъминлайдиган ва рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқариш имкониятлари кенг бўлган соҳалар, минтақалар ва бевосита қишлоқ хўжалигини субъектларига йўналтириш;
- субъектларининг устувор аҳамиятга эга бўлган лойиҳалар ишлаб чиқаришларига ҳар томонлама амалий ёрдам кўрсатиш ва уларни тарғибот қилиш тизимини такомиллаштириш. Ушбу тамойилларнинг амалиётга жорий этилиши бевосита инвестициялар, жумладан, хорижий инвестицияларни қишлоқ хўжалигига кенг жалб этиш, тармоқнинг инвестиция фаоллигини ошириш ва пировардида унинг барқарор ривожланишга эришишини таъминлашда муҳим омил бўлиб хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг раҳбарининг 2019 йил учун мўлжалланган энг муҳим устувор вазифалар ҳақидаги Олий Мажлисга Мурожаатномаси Халқ сўзи газетаси 2018 йил, 29 декабр 270-сон.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони. Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида. 2017 йил 7 февраль. ПФ-4947-сон// Халқ сўзи, 2017 йил 8 февраль.
3. Лин Цфу, Цой Фан, Ли Чжоу. Китайское чудо: экономическая реформа, стратегия развития. - М., 2001. - 68 с.
4. Буздалов И.Н. Аграрная реформа в России (концепции, опыт, перспективы). - М., 2000. - 325 с.
5. Санду И.С. Производственные и научно-производственные системы - эффективная форма интеграции науки и производства. - М., 1990. - 73 с.
6. Ушачев И.Г. Научное обеспечение государственных программ развития сельского хозяйства России. - М., 2006. - С. 9.
7. Умаров С.Р. Қишлоқ хўжалигига инвестицияларни жалб этиш ва улардан самарали фойдаланиш : и.ф.н. дисс. автореферати: БМА - Т., 2008. - 22 б.
8. Мустафақулов Ш.И. “Ўзбекистонда инвестицион муҳит жозибadorлигини оширишнинг илмий-услубий асосларини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертация иши автореферати. Тошкент. 2017 й.
9. Алматова Д.С. Тадбиркорлик фаолиятига инвестиция жалб қилишнинг минтақавий хусусиятлари. Монография. -Т.: «Ношир», 2013. 194 б.
10. Пардаев М.Қ., Пардаев О.М. Қашқадарё вилояти иқтисодиётини ривожлантиришда инновациялардан фойдаланишнинг ташкилий-иқтисодий механизмларини такомиллаштириш// Инновацион ривожланиш асосида миллий иқтисодиётни модернизациялаш: муаммолари, ечимлари ва истиқболлари. - 2015, 22 б.

11. Хушматов Н., Файзуллаева Т. “Қишлоқ хўжалигига хизмат кўрсатиш тармоқлари ва фермер хўжалиklarини ривожлантириш асослари”// Экономика и класс собственников. – Тошкент, 2004. №1. –46 б.

12. Фармонов Т.Х. Фермер хўжалиklarини ривожлантириш истиқболлари. – Тошкент: “Янги аср авлоди”, - 2004. – 30 б.

13. Чориев Қ.А. Бозор инфратузилмасини шакллантириш – иқтисодий ислохотлар чуқурлаштириш гарови// Бозор ислохотлари чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари ва қишлоқда инфратузилмаларни ривожлантириш: республика илмий-амалий семинар маърузалар тўплами. – Тошкент: ЎзБИИТИ, 1998. – Б.15.

14. Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.